

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ ШОВКАТ КАДИРОВИЧ

**ЮРАКНИНГ ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ШАРОИТИДА
КАРДИОРЕНАЛ КОНТИНУУМ
(ПАТОГЕНЕТИК ВА ТЕРАПЕВТИК АСПЕКТЛАР)**

14.00.15 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Муминов Шовкат Каирович

Юракнинг ишемик касаллиги шароитида кардиоренал континуум
(патогенетик ва терапевтик аспектлар)..... 3

Муминов Шовкат Каирович

Кардиоренальный континуум в условиях ишемической болезни
сердца (патогенетические и терапевтические аспекты)..... 31

Muminov Shovkat Kadirovich

Cardiorenal continuum in conditions of coronary heart disease
(pathogenetic and therapeutic aspects)..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ ШОВКАТ КАДИРОВИЧ

**ЮРАКНИНГ ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ШАРОИТИДА
КАРДИОРЕНАЛ КОНТИНУУМ
(ПАТОГЕНЕТИК ВА ТЕРАПЕВТИК АСПЕКТЛАР)**

14.00.15 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib536 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аляви Баҳром Анисханович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Маъруф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кенжаев Мажид Латипович
тиббиёт фанлари доктори

Муллабаева Гузал Учқуновна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети олий таълим федерал давлат бюджет таълим муассасаси

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л.Аляви

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда юрак ва буйрак патологиялари долзарб тиббий ва ижтимоий муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...юрак касалликлари дунё бўйича ханузгача ўлим ҳолатларининг асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда, шунингдек, буйрак тизими касалликлари билан касалланганлар сони айни пайтда ер шари аҳолисининг 10% ини ташкил этмоқда ва бу рақамлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда»¹. Юрак-қон томир патологиялари ва буйрак ўртасидаги ўзаро таъсирни аниқлаш учун кардиоренал синдром (КРС) термини киритилди. Кардиоренал синдромнинг мавжудлиги беморлар ҳаёт сифатини ёмонлаштиради, нохуш башоратни кучайтиради ва бу ушбу мавзу ўрганилишининг долзарб аҳамиятга эгаллигини асослайди.

Жаҳонда КРС патогенезини ўрганиш ҳамда самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) асорати ҳисобланган сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) юракнинг насос функцияси бузилиши оқибатида марказий веноз босимнинг кўтарилиши билан бирга кечади. Веноз босимнинг ошиши буйрак коптокчаларининг олиб кетувчи артериолаларига узатилади, коптокча ичи босими кўтарилади ва склерозга олиб келувчи коптокчалар ишемияси ривожланади. КРСни даволаш триггер омилларни истисно этиш ёки тўхтатиш, миокард реваскуляризацияси ҳамда дори препаратларини қўллашдан иборат. Бироқ ҳатто муваффақиятли реваскуляризациядан кейин ҳам ишга тушган кардиосклероз ва нефросклерознинг авж олиб бориш механизми давом этади. Шунинг учун кардиоренал синдромнинг шаклланиш ва авж олиб бориш хавф омилларини аниқлаш, касаллик ҳамда унинг асоратлари олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини яратишзамонавий тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу

¹Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг бюллетени, 2018.96-сон №6.369–440-бетлар.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишда кардиоренал синдромни эрта ташхислаш, буйрақларда асоратлар ривожланишининг олдини олиш ва патогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ–2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 12 июлдаги ПҚ–3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари»ги Қарорларихамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.³ Кардиоренал синдром диагностикаси маркерлари, ЮИК бўлган беморларда сурункали буйрак етишмовчилигининг зўрайиш механизмларини аниқлаш, даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Washington Seattle (АҚШ), National Heart and Lung Institute (Буюк Британия), Academic Medical Centre Amsterdam (Нидерландия), Woolcock Institute of Medical Research (Австралия), National Institutes of Health, National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, Stanford University Medical Center (АҚШ) Department of Medicine, University of Alberta (Канада); National Health Service in England and Wales (Буюк Британия); Klinikum Stuttgart (Германия); University of Vienna (Австрия); Grupo Hospitalario Quiron (Испания), British hospital Lisbon XXI (Португалия); Sourasky Medical Center (Исроил); Н.И.Пирогов номидаги миллий тиббиёт университети (Россия), Россия Фанлар Академиясининг

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.pub.med.com, www.bmcnephrol.biomedcentral.com, www.med-rf.ru, www.ean.org, www.umassmed.edu, www.kdigo.org, www.nephro.ru, www.asn-online.org, www.karger.com ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Кардиология илмий-тадқиқот институти Сибир бўлими (Россия), И.П.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети қошидаги Нефрология ИТИ(Санкт-Петербург, Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон), Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

КРСнинг юрак ва буйрак компонентлари шаклланиш ҳамда зўрайиш механизмларини ўрганиш, даволашнинг муқобил усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлардан қатор илмий натижалар олинган, жумладан: 2008 йилда кардиоренал синдром бўйича халқаро консенсус қабул қилинган ва унинг бешта кўриниши аниқланган (Department of Nephrology, Dialysis & Transplantation, International Renal Research Institute, Italy; Department of Medicine, Divisions of Cardiology, USA); юрак-қон томир патологияси зўрайиш жараёнлари билан параллел равишда буйрак етишмовчилиги ҳам ривожланиши кўрсатилган (Department of Medicine, University of Alberta, Canada). Мульти марказлаштирилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, КРС ЮИК ва СЮЕ билан оғриган беморларнинг 32-90,3% да ташхисланиши мумкин (Department of Emergency Medicine University of Florida, USA; Medical School, Flinders University, Darwin, Australia; Department of Nephrology Dialysis & Transplantation International Renal Research Institute Vicenza, Italy), КРСнинг иккинчи турида СЮЕ шароитида сурункали буйрак касаллиги (СБК) шаклланиши ва зўрайиши билан характерланади ва касаллик башоратини сезиларли ёмонлаштиради, беморларнинг касалхонада бўлиш частотаси ва муддатини кўпайтиради (Калифорния, АҚШ). СЮЕ бўлган беморларда КРС ривожланишида гемодинамик бузилишлар, нейрогуморал фаоллашиш, эндотелиал дисфункция, атеросклероз, яллиғланиш, оксидланиш стресси ва буйраклар томирлари эмболияси иштирок этиши ўрганилган (Department of Nephrology and Cardiology, Tel Aviv, Israel; Н.И.Пирогов номидаги миллий тиббиёт университети, Москва, Россия).

Айни пайтда бутун дунёда юрак-қон томир касаллиги билан оғриган беморларда КРСни эрта аниқлаш ва ташхислаш, ЮИК бўлган беморларда СБКнинг шаклланиш ҳамда зўрайиб бориш хавф омилларини аниқлаш, патологик жараёнга рационал таъсир кўрсатиш йўллари ва касалликнинг олдини олиш ҳамда даволашнинг адекват усуллари, касаллик оқибати ва унинг асоратларини башоратлаш принципини ишлаб чиқиш, касалликнинг нохуш натижалари маркерларини белгилашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида амалга оширилган кўп сонли тадқиқотларда КРСни ташхислаш ва даволашда эришилган муваффақиятларга қарамасдан, касаллик оқибати ва унинг асоратларини башоратлаш принципларини ишлаб чиқиш, касалликнинг нохуш натижалари маркерларини белгилаш усулларини излаш долзарблигича қолмоқда (Rangaswami J et al., 2019).2008 йилда КРС бўйича халқаро консенсус қабул қилинган ва унда шундай дейилган: «Юрак ва буйрак

патологияси, аъзолардан бирининг ўткир ёки сурункали дисфункцияси бошқа бир аъзонинг ўткир ёки сурункали дисфункциясини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолат кардиоренал синдром сифатида белгиланган» (Ronco S., et al., 2010). Сўнгги йилларда кардиоренал континиумнинг турли жиҳатларини аниқлашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда ва бу хорижий адабиётларда кенг ёритилмоқда. 120 мингга яқин беморларни қамраб олган ҳолда олиб борилган ADHERE тадқиқотларида СЮЕ бўлган беморларда СБКнинг яққоллик даражаси ўрганилган. Унда 91% беморда буйрақларнинг филтрлаш функцияси камайганлиги аниқланган, бунда беморларнинг 56% да ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги (хКФТ) 15-69мл/мин.ни ташкил этган. Нохуш башорат хКФТ билан боғлиқ бўлган, шунингдек, чап қоринчанинг зарб фракцияси (ЧҚЗФ) сақланганда ҳам, пасайганда ҳам беморларда СБК қайд этилган (Neuwald J.T. et al., 2007). ЧҚЗФ 40% дан кам бўлган 299 нафар бемор проспектив кузатилган POSH тадқиқотида қонда креатининнинг паст даражаси тадқиқотга жалб этиш пайтида СБКнинг юқори тезликда зўрайиши билан боғлиқ бўлган (Cowie M.R. et al., 2006). Қатор тадқиқотларда кўрсатилишича, томирлар тизимининг ремоделлашиши симпатоадренал тизим (САТ) ва ренин-ангиотензин-альдостерон тизими (РААТ) фаоллашуви билан боғлиқ ва бу ўз навбатида, СЮЕ ва СБК зўрайишининг патогенетик ҳалқасига бориб туташади (Mann D.L., 2015; Iyngkaran P., 2017). Трайл тадқиқотларда натрий уретик пептид (НУП) даражаси ўткир декомпенсацияли СЮЕ бўлган беморларда госпитализация хавфини, шунингдек, барча сабабларга кўра ўлимни мустақил равишда башоратлаши кўрсатилган (Kim H.N. et al., 2013; Iyngkaran P. et al., 2015).

Кардиоренал синдромнинг иккинчи турини коррекциялашда СЮЕ, унинг нейрогуморал зўрайиш механизмларини коррекциялаш, шунингдек, коптокчалар гемодинамикасини нормаллаштирувчи воситаларнинг қўлланиши энг оптимал стратегияси ҳисобланади. Исботланган тиббиёт маълумотларига асосланган терапия OPTIMIZE-HF (Fonarow G.C. et al., 2007), NOPE (Nerpin E. et al., 2014; Sepehr S. et al., 2016) тадқиқотларида апробациядан ўтказилган. Шунингдек, статинлар (Cederberg H., 2016) ва периферик вазодилататорлар (DiNicolantonio J.J., 2017)нинг ҳам самарадорлиги тўғрисида далиллар пайдо бўлмоқда. Валсартан ва сакубитрилнинг нисбатан янги комбинацияси – ARNI ЧҚЗФ камайиши билан СЮЕ бўлган 4187 нафар бемор иштирокида ўтказилган PARADIGM-HF, ЧҚЗФ сақланган ҳолда СЮЕ бўлган беморлар иштирокидаги PARAMOUNT ва PARAGON тадқиқотларида баҳоланган (J.J. McMurray et al., 2014; Jhund P.S. et al., 2014; R.Shaddy et al., 2017). UK HARP–III трайл тадқиқотлари ҳамда СБКнинг I-IV даражаси билан оғриган 100 нафар беморни қамраб олган когорт тадқиқотларда СБК билан оғриган беморларда ARNIнинг таъсири ўрганилган (R. Haynes et al., 2018; Borja Quiroga. et al., 2019).

Республикамызда кардиоваскуляр патологияли беморларда СБК муаммосини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар Б.Т.Даминов, Ш.С.Абдуллаев, Д.А.Эгамбердиева (ТошПТИ), М.А.Сабиров, М.М.Каримов

(ТТА), А.Л. Аляви, У.К.Камилова (РИТваТРИАТМ) сингари олимлар томонидан олиб борилган. Б.Т.Даминов, Ш.С.Абдуллаев, Д.А.Эгамбердиевалар томонидан олиб борилган илмий ишларда СБК фонида марказий ва периферик гемодиамикани ўзгаришлари ва унинг касаллик кечишига таъсири, шунингдек, даволаш тамойиллари муқобиллаштирилган. А.Л. Аляви, У.К.Камиловалар томонидан СЮЕ билан оғриган беморларда буйрак дисфункцияси баҳоланган ва асосий касаллик кечишига таъсири ўрганилган.

Тадқиқотлар ва ўтказилган илмий адабиётлар таҳлилидан олинган натижаларга таянган ҳолда республикада КСР иккинчи турининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, касалликнинг зўрайиш хавф омиллари ва даволаш усуллари аниқлашга бағишланган кенг қўламли тадқиқотларни олиб бориш вақти етганлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин. Бу ўз навбатида, ушбу муаммо бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (давлат қайд рақами 01980006703).

Тадқиқотнинг мақсади миокард реваскуляризациясини бошдан кечирган ЮИК бўлган беморларда сурункали буйрак касаллиги (СБК) шаклланиши ва зўрайиб боришини хавфини ўрганиш ҳамда кардиоренал синдромнинг ривожланиб боришида турли терапевтик схемалар самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮИК бўлган беморларда миокард ремоделланиши хусусиятларини реваскуляризацияга зарурати билан ўрганиш;

ЮИК бўлган беморларда контраст-индуцирланган нефропатиянинг кардиал хавф омилларини аниқлаш;

реваскуляризацияни бошдан кечирган ЮИК бўлган беморларда буйраклар структур-функционал ҳолатини ўрганиш ва беморларда реваскуляризациядан кейин СБК ривожланишининг прогностик маркерларини аниқлаш;

ЮИК бўлган беморларда СБК шаклланиши ва зўрайиши жараёнига ангиотензин рецепторлари блокатори (АРБ) ва сакубитрил комбинациясининг таъсири баҳолаш;

кардиоренал синдромли беморларда миокарднинг структур-функционал ҳолатига ЮИК стандарт терапиясини ҳамда терапияга АРБ ва сакубитрил комбинациясининг қўшиб қўллагандаги таъсири қиёсий баҳолаш;

кардиоренал синдромли беморларда миокардиал ва буйраклар структур-функционал ремоделланиши ўртасидаги ўзаро алоқани очиб бериш ҳамда реваскуляризациядан кейин 2 йил давомида нохуш натижаларнинг прогностик маркерларини аниқлаш;

коронар реваскуляризациядан кейин кардиоренал синдромнинг 2- тури ривожланиш хавфи стратификацияси асосида ЮИК бўлган беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида рентген-эндоваскуляр муолажалар ўтказилиши режалаштирилган 320 нафар ЮИК билан оғриган беморлар ҳамда 20 нафар амалий соғлом кўнгиллилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб вена қони, капилляр қони, сийдик, ЭхоКГ, доплерография билан буйрақларнинг УТТидан олинган натижалар ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатор, инструментал (ультратовушли, электрокардиографик), статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора ЮИК билан оғриган беморларда коронар ревааскуляризациядан кейин буйрак фаолияти кўрсаткичи, яъни қонда креатинин ва у асосида ҳисобланган коптокчалар фильтрация тезлигининг (КФТ) пасайиши ҳамда буйрак сегментар артерияларининг резистивлик индексини (РИ) ортиши билан намоён бўлган СБК шаклланиши асосланган;

илк бора СБК IV босқичга қадар шаклланиб бориши ҳамда зўрайишнинг хавф омиллари ва уларни предикторлик аҳамияти аниқланган, улардан, контраст-индуцирланган нефропатия (КИН) ҳолати, натрий уретик пептид миқдори сфериклик индекси ва чап қоринча миокард фаолиятининг интеграл индексининг (Tei) юқорилиги, чап қоринча зарб ҳажми (ЧҚЗХ) пастлиги ҳамда учинчи тур чап қоринча диастолик дисфункцияси (ЧҚДД) каби кўрсаткичларни ахамиятлилиги исботланган;

ЮИК билан оғриган беморлар терапияси схемасига сакубитрилнинг киритилиши, стандарт терапия билан таққосланганда, хКФТ тезлигининг пасайишини секинлашлатириши ва буйрак сегментар артериялари РИ кўрсаткичини камайишига кўмаклашиши ҳамда СБКнинг IV-V босқичлари ривожланиш хавф омиллари таъсирини сусайтириш имконини бериши асосланган;

Валсартан ва сакубитрил комбинациясининг қўлланилиши стандарт терапия билан таққосланганда, СБК ривожланишининг хавфи юқори даражали бўлган беморларда миокарднинг структур-функционал ҳолатига ишончли ижобий таъсир кўрсатиши билан боғлиқлиги аниқланган;

ревааскуляризация ўтказилган ЮИК бўлган беморларда миокарднинг ремоделланиши ва СБК шаклланиши ўртасида ўзаро яқин алоқа мавжудлиги исботланган;

илк бора ЮИК билан оғриган беморларда 2 йиллик ўлим предикторлари бўлиб дастлаб (ревааскуляризацияга қадар) ЧҚЗХ пастлиги, КИН ҳолати, қонда мия натрий уретик пептиднинг юқори концентрацияси, хКФТнинг дастлаб паст бўлиши ва тез зўрайиб борувчи СБК ривожланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ревааскуляризация ўтказилган ЮИК бўлган беморларда СБК шаклланиши ва зўрайишининг хавф омиллари ҳамда кардиоренал синдромнинг кучайишида турли терапевтик схемалар самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда сурункали буйрак касаллиги шаклланиши ва зўрайишининг олдини олишга йўналтирилган терапия схемасини муқобиллаштириш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 мартдаги 8н-р/270-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кардиоренал синдромнинг иккинчи тури билан оғриган беморларда зўрайиш тезлигини ишончли камайтириш имконини берган;

«Сурункали буйрак касаллиги бор бўлган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 мартдаги 8н-р/254-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЮИК бўлган беморларда миокард ревазуляризациясидан кейин СБК ривожланиши ва зўрайиши хавф омилларини аниқлаш ҳамда ўз вақтида коррекциялашни амалга ошириш имконини берган;

миокард ревазуляризациясини ўтказилган ЮИК бўлган беморларда СБК пайдо бўлиши ва зўрайиши хавфи ҳамда кардиоренал синдромнинг кучайишида турли терапевтик схемалар самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг нефрология бўлимига, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда РКИИАТМнинг Қарши филиали клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 8н-з/163-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ЮИК билан оғриган беморларда СБК ривожланиш ва зўрайиш хавфини аниқлаш имконини берган. Ишлаб чиқилган даволаш схемасининг қўлланилиши ЮИК билан оғриган беморларда СБКнинг IV–V босқичлари ривожланиш хавфини 20% дан 11,88% гача камайтириш (160 нафардан 19 нафар хи квадрат=3,97; $p < 0,05$) ҳамда кардиоренал синдромли беморларда касаллик башоратини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, лаборатор, инструментал (ультратовушли ва электрокардиографик), статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ревазуляризацияни бошдан кечирган ЮИК билан оғриган беморларда кардиоренал синдром кўринишида намоён бўлувчи буйракларнинг функционал кўрсаткичлари ва миокарднинг структур-функционал параметрлари ўртасида ўзаро алоқа мавжудлиги аниқланиши, ревазуляризацияни бошдан кечирган ЮИК бўлган

беморларда касаллик хавф омиллари ва улар ривожланишининг предикторлик аҳамияти, касалликнинг зўрайиши ва нохуш натижалар кўрсатилганлиги. Шунингдек, кардиоренал синдромнинг намоён бўлишини ташхислаш ва коррекциялаш усулларини муқобиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий изланишлар келгусида ушбу муаммони чуқур ўрганишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ЮИК билан оғриган беморларда СБК ривожланиш ва зўрайиши хавф омилларининг предикторлик аҳамияти аниқланган, ЮИК билан оғриган беморларни даволаш схемасига валсартан ва сакубитрил комбинациясининг киритилиши СБКнинг IV-V босқичлари ривожланишини камайтиришга ёрдам берганлиги ҳамда миокарднинг структур-функционал ремоделлашишига ижобий таъсир кўрсатганлиги билан изоҳланган. Касалликнинг зўрайиш омиллари ва нохуш натижаларни ўз вақтида аниқлаш даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар сонини камайтириш ҳамда башоратни яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Реваскуляризацияни бошдан кечирган ЮИК бўлган беморларда СБК шаклланиши ва зўрайишининг хавф омиллари ҳамда кардиоренал синдромнинг зўрайишида турли терапевтик схемалар самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда сурункали буйрак касаллиги шаклланиши ва зўрайишининг олдини олишга йўналтирилган терапия схемасини муқобиллаштириш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 мартдаги 8н-р/270-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кардиоренал синдромнинг иккинчи тури билан оғриган беморларда зўрайиш тезлигини ишончли камайтириш имконини берган;

«Сурункали буйрак касаллиги бор бўлган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда олиб бориш алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 мартдаги 8н-р/254-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЮИК бўлган беморларда миокард реваскуляризациясидан кейин СБК ривожланиши ва зўрайиши хавф омилларини аниқлаш ҳамда ўз вақтида коррекциялашни амалга ошириш имконини берган;

миокард реваскуляризациясини бошдан кечирган ЮИК бўлган беморларда СБК пайдо бўлиши ва зўрайиши хавфи ҳамда кардиоренал синдромнинг зўрайишида турли терапевтик схемалар самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг нефрология бўлимига, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда РКИИАТМнинг Қарши филиали клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 8н-з/163-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ЮИК билан оғриган беморларда СБК ривожланиш ва

зўрайиш хавфини аниқлаш имконини берган. Ишлаб чиқилган даволаш схемасининг қўлланилиши ЮИК билан оғриган беморларда СБКнинг IV–V босқичлари ривожланиш хавфини 20% дан 11,88% гача камайтириш (160 нафардан 19 нафар хи квадрат=3,97; $p < 0,05$) ҳамда кардиоренал синдромли беморларда касаллик башоратини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 163 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кардиоренал синдром: муаммонинг замонавий холати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида кардиоренал синдромнинг иккинчи тури шаклланиши ва ривожланиши аспектида ЮИК ва СБК билан оғриган беморларни даволашнинг замонавий тенденциялари ва бу борада қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек, ушбу касаллик келиб чиқишининг асосий сабаблари, омиллари ва механизмлари таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. ЮИК ва СБК билан оғриган беморларни олиб боришнинг терапевтик стратегиялари имкониятлари тўғрисидаги замонавий қарашлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили асосда кардиоренал синдромнинг иккинчи турини коррекциялашга доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган ҳамда тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари, шунингдек, ишда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган.

Тадқиқотга Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (РИТТРИАТМ)нинг интервенцион

кардиология бўлимига коронароангиография ўтказиш ҳамда реваскуляризация техникасини танлаш бўйича қарор қабул қилиш учун келиб тушган 320 нафар ЮИК билан оғриган бемор жалб этилди. Беморларнинг ўртача ёши $61,14 \pm 1,22$ ёшни ташкил этди, улардан 222 (69,4%) нафари эркаклар ҳамда 98 нафари (30,6%) аёллар бўлди. Илмий ишдан кўзланган мақсадга эришиш учун ҳҚФТ60 мл/мин дан кам бўлган беморлар тадқиқотга киритилмади. Креатинин концентрацияси ўртача $90,08 \pm 1,72$ мкмоль/л ни ташкил этди.

Тадқиқотга жалб этилган барча беморларда коронароангиография (КАГ) ўтказилди ва реваскуляризацияга кўрсатма аниқланди. Коронароангиография натижаларига кўра 37 нафар беморда КАГдан кейин бир ой муддатда хирургик реваскуляризация – аортокоронар шунтлаш (АКШ) бажарилди. 287 нафар беморда бевосита КАГдан кейин коронар артерияларни стентлаш амалга оширилди (тери орқали коронар амалиёт (ТОКА)).

Эндоваскуляр муолажа (КАГ/ТОКА)дан кейин иккинчи суткада контраст-индуцирланган нефропатия (КИН) ривожланган беморларни аниқлаш учун барча беморларда қондаги креатинин концентрациясининг такрорий аниқланиши ўтказилди. Креатинин концентрацияси бошланғич даражасидан 25% ва ундан юқори бўлган ҳолатда КИН аниқланди.

Барча беморлар ЮИКнинг стандарт терапиясини олди: антиагрегантлар ва антикоагулянтлар, бета-адреноблокаторлар, статинлар, кўрсатмага кўра антиаритмик препаратлар қабул қилди. Тадқиқотга қамраб олинган барча беморлар ренин-ангиотензин-альдостеронли тизим (РААТ)га таъсир кўрсатувчи препаратлар тайинланишига кўра 2 гуруҳга ажратилди: В гуруҳидаги (160 нафар) беморлар – гипотензив жавобга боғлиқ ҳолда индивидуал танланган дозада валсартан қабул қилишди (ўртача доза $152,97 \pm 9,21$ мг/суткани ташкил этди); С гуруҳидаги (160 нафар) беморга – валсартан ва сакубитрил комбинацияси – ARNI берилди (ўртача доза валсартан $97,63 \pm 3,26$ мг/сут ва сакубитрил $102,64 \pm 4,26$ мг/сут ни ташкил этди).

Тадқиқотдан кўзланган мақсадга мувофиқ ҳолда беморлар кузатишларнинг 3-ойига бориб ҳҚФТ даражасининг камайишига кўра иккита кичик гуруҳларга ажратилди: кузатувнинг 3-ойига бориб ҳҚФТ 20% дан кўпроқ камайган беморлар (1-гуруҳ) ҳамда 20% дан камроқ камайган беморлар (2-гуруҳ). Дастлаб 1-гуруҳда ҳҚФТ 2-гуруҳга нисбатан анча паст бўлди.

Касалхонага қабул қилинган, барча беморлар кўриқдан, шунингдек, қуйидаги лаборатор текширувлардан ўтказилди: қоннинг умумий таҳлили, биокимёвий таҳлил, коагулограмма. Буйрақларнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун ҳҚФТ ҳисоблаш билан қондаги креатинин концентрацияси текширилди, буйрақлар доплерографияси билан УТТ ўтказилди, паратгормон, фосфор ва сийдик кислотасининг зардобдаги концентрацияси аниқланди. Юракнинг структур-функционал ҳолатини аниқлаш учун беморларда прогормоннинг N-якуний фрагменти концентрацияси – мия бўлмаси натрийуретик пептид (МНУП)ни аниқлаш ва эхокардиографик текширишлар ўтказилди.

Назорат текширишлари уч ойдан кейин, реваскуляризациядан кейинги биринчи ва иккинчи йилнинг охирида ўтказилди.

Эхокардиография (ЭхоКГ) 2,5 мГц частотали сектор датчик билан ускуналанган Sonace X6 ультратовушли сканеридан фойдаланиб ASE тавсияларига мувофиқ амалга оширилди. Кўрсаткичлар стандарт ЭхоКГ позиция ва проекцияларда ёзиб борилди. Қуйидаги параметрлар ёзиб олинди: ЧҚнинг сўнгги диастолик ҳажми (ЧҚ СДХ), чап бўлмача ҳажми, ўнг бўлмача майдони, ўнг бўлмача сўнгги диастолик майдони ва бу кўрсаткичлар тананинг юқори майдонига индексланди (тана сирт майдонига индексланган сўнгги диастолик ҳажм (иСДХ), тана сирт майдонига индексланган чап бўлмача (иЧБ), тана сирт майдонига индексланган ўнг бўлмача майдони (иЎБ), тана сирт майдонига индексланган ўнг қоринча майдони (иЎҚ)); юракнинг зарб ҳажмини ҳисоблаш билан ЧҚнинг сўнгги систолик ҳажми, ЧҚнинг тана юқори майдонига индексацияланган зарб индекси (ЗИ) ва зарб фракцияси (ЗФ); ўнг қоринча (ЎҚ) майдонининг қисқариш фракцияси (ЎҚ МКФ) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди: $\text{ЎҚ МКФ} = (\text{ЎҚ сўнгги диастолик майдони} - \text{ЎҚ сўнгги систолик майдони}) / \text{ЎҚ сўнгги диастолик майдони} * 100\%$; қоринчалар аро пардадевор (ҚАП)нинг диастолик қалинлиги; чап қоринча орқа девори (ЧҚОД)нинг диастолик қалинлиги; ЧҚ миокарди массаси тана юқори майдонига индексация билан (иЧҚММ) SHELL усули бўйича аниқланди; минутли индекс (МИ); ЧҚ сфериклиги индекси; регионал қисқаришнинг бузилиш индекси (РҚБИ); ўпка артериясидаги ўртача босим (ЎАЎБ); миокард фаолиятининг интеграл индекси (Теi); диастолик функция ҳар бир қоринча учун эрта ва юрак бўлмаси тўлиш фазасида максимал тезликка нисбатан баҳоланди. Диастолик дисфункция (ДД) турлари ажратилди: 1 – релаксациянинг секинлашиши, 2 – псевдонормализация, 3 – рестрикция. ДД кўрсаткичлари ва Теi фақат синусли ритм бўлган беморларда аниқланди (262 нафар бемор).

Буйрақлар УТТда қуйидагилар аниқланди: буйрак паренхимаси ҳажми (БПХ), тана юқори майдонига индексланган буйрак паренхимасининг ҳажми (иБПХ); сегментар артериялар доплерографиясида ҳар бир буйрак учун ўртача ҳисобга келтирилган ҳолда Пурселло резистивлик индекси аниқланди.

Буйрақларнинг филтрацион функцияси эндоген креатининклиренси бўйича баҳоланди. Креатинин концентрацияси Яффе усулида аниқланди. Паратгормоннинг зардобдаги концентрацияси ИФА усулида аниқланди. Периферик қон зардобдаги фосфор концентрацияси Human Reader HS автоматик анализаторида ўтказилди. Мия натрий уретик пептид (МНУП) концентрацияси мос ҳолдаги тест-чизикчалар (Roche Diagnostic, ўлчанадиган диапазонни 60–3000 пг/мл) билан Cobas h 232 аппаратида миқдорий иммунологик усулда МНУПнинг пептид-ўтмишдоши бўлган N-сўнгги фрагменти бўйича баҳоланди.

Барча олинган маълумотлар Excell редакторининг йиғма жадвалига киритилди. Гуруҳлараро таққослашларда Стьюдент тенглиги ишончлилик мезонидан фойдаланилди. Белгиларнинг учраш частотасини таққослаш хи квадрат жадвал мезонива эркинлик даражалари миқдорини ҳисобга олган ҳолда унинг ишонччилигини баҳолашдан фойдаланиб амалга оширилди. Корреляцион таҳлилда корреляция коэффицентидан фойдаланилди, уларнинг ишонччилиги жадвалли номограммалар бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг «Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ўзаро кардиоренал муносабатлар» деб номланган учинчи бобида реваскуляризация талаби билан ЮИК бўлган беморларда миокарднинг структур-функционал ремоделланишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

Чап қоринча систолик функцияси ҳолатига кўра барча беморлар тақсимланди. Тадқиқотга жалб этилган беморларнинг бутун когортида ўртача ЧҚЗФ $49,48 \pm 0,48\%$ ни ташкил этди (медиана – $52,00\%$). ЧҚЗФ катталигига кўра тақсимланган беморлар: медианадан паст (134 нафар бемор, ўртача ЧҚЗФ – $42,97 \pm 0,84\%$) ҳамда медианага тенг ва ундан юқори (186 нафар бемор, ўртача ЧҚЗФ $54,97 \pm 0,15\%$, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги – $p < 0,001$). ЧҚЗФга кўра ажратилган гуруҳдаги беморлар ёши (мос ҳолда $55,56 \pm 0,76$ ёш ва $54,51 \pm 0,60$ ёш) ҳамда буйракларнинг функционал ҳолатига кўра фарқ қилмади (креатинин концентрацияси мос ҳолда $90,29 \pm 1,72$ мкмоль/л ва $89,92 \pm 1,51$ мкмоль/л).

Миокарднинг ремоделланиши МНУП кўрсаткичлари бўйича гуруҳлардаги ишончли фарқларда ўз аксини топди ва бу ЧҚЗФ паст бўлган беморлар гуруҳида ишончли юқори бўлди ($p < 0,001$). Гуруҳлараро таҳлилга кўра қандли диабет (ҚД) ЧҚЗФ паст бўлган беморлар ўртасида $26,87\%$ ни (134 нафар бемордан 36 нафарида) ҳамда ЧҚЗФ 52% ва ундан юқори бўлган беморлар ўртасида $12,37\%$ ни (186 нафар бемордан 23 нафарида, хи квадрат= $10,81$; $p < 0,01$) ташкил этди. ЧҚЗФ 52% ва ундан юқори бўлган беморларга нисбатан (186 нафар бемордан 14 нафарида – $7,53\%$, хи квадрат= $6,99$; $p < 0,01$) ЧҚЗФ паст бўлган беморларда АКШга талаб юқори бўлди (134 нафар бемордан 23 нафарида, $17,16\%$).

ЮИК билан оғриган беморларда юракнинг структур-функционал хусусиятлари ўрганилганда юракнинг барча камералари ўлчами назорат гуруҳи билан таққосланганда сезиларли катталашганлиги аниқланди ($p < 0,001$). Юрак ўнг бўлмалари майдони индекси ЧҚЗФ 52% дан паст бўлган беморларда ишончли юқори бўлди, бу жуда яққол юрак етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган ўта яққол гемодинамик силжишларни ўзида акс эттирган ҳолда билвосита ушбу кичик гуруҳдаги беморлар ўпка артериясида босимнинг юқори даражасини кўрсатади. ЮИК билан оғриган беморларда назорат гуруҳи (НГ)га нисбатан ўпка артерияларида босим юқори бўлди ҳамда ЧҚЗФ 52% дан паст бўлган беморларда бу, айниқса, яққол кўзга ташланди ($p < 0,001$). ЮИК билан оғриган беморларда ЧҚ деворининг қалинлашиши НГ билан таққосланганда миокарднинг структур ремоделланишига хизмат қилишини ўзида акс эттиради. ЧҚ миокард гипертрофияси ЧҚЗФ анча паст бўлган беморларда жуда яққол намоён бўлди ($p < 0,001$).

Ўнг қоринча (ЎҚ) систолик функцияси ЎҚ майдонининг қисқариш фракцияси (МҚФ) кўрсаткичлари бўйича баҳоланди. НГ билан таққосланганда ЮИК билан оғриган беморларда ЎҚ МҚФ ишончли пасайган ($p < 0,001$) ва бу ҳолат ЧҚЗФ паст бўлган шахсларда яққол кўзга ташланди ($p < 0,001$). Бу ҳар иккала қоринчаларнинг параллел равишда патологик функционал ремоделланишидан далолат беради. Миокарднинг функционал ҳолати Tei кўрсаткичлари бўйича аниқланди. Ҳар иккала қоринчаларда ҳам Tei индекси ишончли юқори бўлди ($p < 0,001$). ЧҚнинг

яққол дилатацияси ЮИК билан оғриган беморларда, айниқса, ЧҚЗФ паст бўлганда ЗИ ва МИ ортиши билан ассоциирланди.

Қоринчаларнинг диастолик дисфункцияси турига кўра беморларни тақсимлаш давомида аниқландики, ЧҚЗФ 52% дан паст бўлган беморларда ЧҚ диастолик дисфункциясининг 3-тури (рестриктив) ва ЎҚ диастолик дисфункциясининг 1-тури (гипертрофик), ЧҚЗФ 52% дан юқори бўлган беморларда – диастолик дисфункциясининг 1-тури (гипертрофик) ва ЎҚ диастолик тўлишининг нормал тури кўпроқ учрайди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида рентгеноконтраст эндоваскуляр муолажалар (РЭМ)дан кейин КИН ривожланган беморлар алоҳида гуруҳга ажратилди (КИН+, 74 нафар бемор – 23,13%). КИН+ ва КИН–беморларни таққослаш шуни кўрсатдики, КИН+ билан оғриган беморларнинг ёши КИН–бўлган беморларга нисбатан ишончли катта бўлди ($p < 0,001$). Тадқиқотга жалб этилган беморлар когортида ёш медианаси 56 ёшни ташкил этди: ёш 56 ёшдан ошганда КИН ривожланиш хавфи 2,40 марта ортади. КИН, кўпинча, фонли ҚД билан оғриган беморларда кузатилди ва уларда КИН ривожланиш хавфи 2,27 мартани ташкил этди. КИН ривожланиш хавфи хирургик ёки эндоваскуляр реваскуляризация заруратига боғлиқ бўлмади. Қонда креатинин миқдорининг юқори бўлиши КИН ривожланиш хавфини орттирувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Креатинин концентрациясининг медианаси ушбу тадқиқотда 89 мкмоль/л.ни ташкил этди. Креатининнинг дастлабки концентрацияси 89 мкмоль/л.дан юқори бўлиши КИН ривожланиш хавфини 12,6 марта оширди. РИ аҳамияти КИН+ гуруҳда ишончли юқори бўлди (КИН–гуруҳ билан $p < 0,001$).

иЧҚММ сфериклик индекси кўрсаткичи эндоваскуляр аралашувлар асоратларсиз кечган беморларга нисбатан КИН+ гуруҳидаги беморларда ишончли юқори бўлди ($p < 0,05$ ва $p < 0,001$). Шунингдек, КИНнинг ривожланиши ЧҚ функциясининг дастлабки жуда яққол бузилиши, ўпка артериясида ўртача босимнинг кўтарилиши ($p < 0,01$) ҳамда қонда МНУП концентрациясининг жуда юқори концентрацияси ($p < 0,05$) билан ассоциирланди. КИН+ гуруҳда ЧҚ миокарднинг 3-тур диастолик дисфункцияси (рестриктив) (хи квадрат $2 \times 4 = 9,54$; $p < 0,05$) ишончли кўп учради, шунингдек, диастолик тўлишнинг нормал тури ишончли кам кузатилди (хи квадрат $2 \times 4 = 9,07$, $p < 0,05$).

Шундай қилиб, тадқиқотдан олинган натижалар шуни кўрсатдики, ЮИК билан оғриган беморларда эндоваскуляр муолажалардан кейин КИН ривожланиш хавфи беморлар ёшининг катталиги, фонли ҚДнинг мавжудлиги, қонда креатининнинг дастлабки юқори даражаси ва миокарднинг жуда яққол патологик структур-функционал ремоделланиши билан ассоциирланади.

Диссертациянинг «**Кардиоренал синдромнинг 2-тури бўлган беморларда сурункали буйрак касаллигининг шаклланиши**» деб номланган тўртинчи бобида турли схемали терапияларнинг буйраклар функционал ҳолатига таъсири ўрганилган ҳамда СБК зўрайишининг хавф омиллари аниқланган.

